



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ, УНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Эрназаров Гулам Бекбаевич

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a65

Тошкент шаҳридаги “Москва Энергетика Институту” миллий тадқиқот университети
“Федераль давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали “Таълим сифатини назорат қилиш” бўлими бошлиғи, иқтисодиёт фанлар номзоди (PhD)

Аннотация. Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг мазмун-моҳияти очиб берилиб, унинг асосий кўрсаткичлари ва ривожланиш истиқболлари ўрганиб чиқилган. Шунингдек, хизматлар соҳасининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, аҳамияти, унинг ЯИМдаги улуши ва асосий кўрсаткичлари статистик таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа, консалтинг хизматлари, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳоли турмуш шароити, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар, халқаро тажриба, хусусий сектор.

ОСНОВНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ СФЕРЫ УСЛУГ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН, ЕГО СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ

Эрназаров Гулам Бекбаевич

Начальник отдела «Контроль качества образования» Национального исследовательского университета «Московский Энергетический Институт» -Филиала Федерального государственного бюджетного образовательного учреждения высшего образования “Национальный исследовательский университет “Московский энергетический институт” в Ташкенте, PhD

Аннотация. В статье раскрывается сущность сферы услуг, изучаются ее основные показатели и перспективы развития. Также статистически проанализированы роль и значение сферы услуг в национальной экономике, ее доля в ВВП и основные показатели.

Ключевые слова: сфера услуг, качественное обслуживание населения, социальная сфера, консультационные услуги, жилищно-коммунальное хозяйство, условия жизни населения, здравоохранение и социальные услуги, услуги на душу населения, международный опыт, частный сектор.

MAIN INDICATORS OF THE SERVICE SECTOR IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN, ITS STATISTICAL ANALYSIS AND PROSPECTS

Ernazarov Gulam Bekbaevich

PhD, Head of the Department
"Quality Control of Education" of the National Research University "Moscow Power Engineering Institute-Branch of the Federal state budgetary institution of Higher Education "National Research University" Moscow Energy Institute " in Tashkent

Abstract. The article reveals the essence of the service sector, studies its main indicators and development prospects. The role and importance of the service sector in the national economy, its share in GDP and main indicators are also statistically analyzed.

Keywords: service sector, quality services to the population, social sphere, consulting services, housing and communal services, living conditions of the population, healthcare and social services, services per capita, international experience, private sector.

Кириш. Бугунги кунда Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламдаги ислоҳотлар доирасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам иқтисодиётнинг энг муҳим секторлари сифатида кўплаб йўналишлар жамланган хизматлар соҳасининг аҳмияти жуда катта ва долзарбдир. Бу, аввало, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиши, бозорнинг товарлар билан тўйинганлиги, жамият ҳаётига янгиликлар киритувчи фан-техника тараққиёти билан боғлиқ. Буларнинг барчаси ахборот, молиявий, транспорт, консалтинг хизматлари ва бошқа турдаги хизматлар мавжудлигини тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли қарорининг қабул қилиниши соҳанинг бугунги кунда миллий иқтисодиётимизда тўтган ўрни ниҳоятда муҳимлигини кўрсатиб бермоқда [4].

2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида хизматлар соҳасини ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, бунда «...арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ...» [2] юзасидан муҳим вазифалар белгилаб олинди. Стратегияда белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда мамлакатимизда хизматлар соҳасининг аҳамиятини оширишга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Демак, хизматлар соҳасининг ривожланиши ҳозирги замон иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётда хизматлар ҳажми ошишининг асосий омилларини илмий билимлар, номоддий шаклдаги тўпламлар, ахборот технологиялари ва тадбиркорлик фаолияти интеграцияси омиллари ташкил этади. Иқтисодиётнинг бу сектори турли хил фаолият турларини ўз ичига олиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ушбу фаолиятнинг якуний натижаси тайёр маҳсулот эмас, балки кўрсатилган хизматлардир.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Мавзу юзасидан бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар илмий тадқиқот ва изланишлар олиб боришган ва боришмоқда, улар мазкур соҳани

ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Жумладан, Ю.В. Мелешко илмий мақоласида: “XX аср охири – XXI аср бошлари иқтисодиётидаги энг ёрқин тенденциялардан бири хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суратларда ривожланиши ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқариши – асоси 18-асрнинг охиридан бошлаб мамлакатларнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши ўз ўрнини хизмат кўрсатиш соҳасига бўшатиб берди, шу сабабли жаҳон иқтисодиётида саноат инқилоби билан таққосланадиган таркибий қайта қуриш содир бўлди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мезонига айланди” (Ю.В.Мелешко. – Р., 2016 г. № 4), – деб таъриф бериб ўтади.

М.Кательс иқтисодиётнинг ахборот ва ахборотлаштириш билан боғлиқ хусусиятларига эътибор бериб, хизматларнинг янги таърифга эгаллиги ва хизматларни кўрсатишда фаолиятнинг янги кўринишларини тадқиқ этган. Унинг фикрича, хизматлар категорияси тарихан турли хил ижтимоий тузилмалар ва ишлаб чиқариш тизимларидан шаклланиб келаётган фаолиятни ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш соҳасида ранг-баранг фаолият турларини бириктириб турувчи ягона белги ушбу ягона (умумий) белгининг йўқлигидир. Хизматларни уларга тегишли бўлган ички хусусиятлардан келиб чиқиб аниқлашда шуни айтиш керакки, ахборот иқтисодиётининг ривожланиши билан товарларнинг «номоддийлиги» ва «моддийлиги» ўртасида мазмунан фарқи йўқолди (Кастельс М. – М.: ГУВШЭ, 2000 г.).

Европа давлатлари иқтисодчи олимлари томонидан «хизмат» категориясига қуйидагича таъриф берилган. Хусусан, Ф.Котлер: “Хизматлар деганда, йирик хилма-хилликдаги фаолият турлари ва тижорат машғулотларини таърифлаб, улар «бир тараф иккинчи тарафга таклиф қилиши мумкин ва асосан, уларни ҳис қилиб бўлмайди ҳамда бирор-бир нарсага эгалик қилишга олиб келмайди. Хизматларни кўрсатиш моддий кўринишдаги товар билан боғлиқ бўлиши мумкин ёки аксинча, боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин», – деб таъкидлаб ўтади (Котлер Ф. 1993. С. 638).

Неоклассик мактаб вакили Алфред Маршалл хизматлар тўғрисида анча дадил ва шу билан бир қаторда, мантиқан асосланган фикрларни майдонга ташлаган ва хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий асосларини шакл-

лантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини кўшган. У хизматларни меҳнатнинг номоддий, сезги органлари воситасида илғаб бўлмайдиган натижалари сифатида талқин қилган. Айнан, А.Маршалл барча неъматларни моддий ва номоддий неъматларга бўлар экан, уларнинг барчаси мамлакатдаги ижтимоий бойликни шакллантиришда бирдай муҳим эканлигини исботлашга алоҳида эътибор қаратган. У биринчи бўлиб инсоннинг ҳаёт фаолиятида ва эҳтиёжини қондиришида моддий ноз-неъматнинг ўта муҳим ва зарур эканлигини эътироф этиш билан бир қаторда, кўз билан илғаб бўлмайдиган турли номоддий ноз-неъматлар ва хизматларнинг ҳам катта аҳамияти борлигини илмий жиҳатдан асослаб берди (Альфред Маршалл, 1993).

Т.Д.Бурменконинг берган таърифиға кўра: «Хизмат маҳсулотнинг фойдали ҳаракати ёки инсоннинг ўзига хос, оқилона эҳтиёжларини қондириш учун фаолият шаклида намоён бўладиган, фойдаланиш қийматларини яратадиган меҳнат натижалари бўйича пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир». Шунинг учун хизмат кўрсатиш жараёни истеъмолчиларга хизматларни етказиб бериш жараёни, яъни унга ҳар қандай шаклдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш жараёни сифатида қаралиши керак (Бурменко Т.Д. 2007. – 328 с. С. 64-65).

Ж.Р.Ураков: “Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида сервис хизматлари сони ва сифатиға қўйилаётган талаблар билан боғлиқ” (Ураков Ж.Р. –Т.: СамИСИ, 2011. 15-16-б.), – деб таъриф беради.

Г.Б.Эрназаров “Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш даврида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти, унинг иқтисодий-статистик таҳлили ва истиқболлари” деб номланган мақоласида: “...мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ривожланиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам мультипликатив таъсир кўрсатади. Масалан, молия, суғурталаш хизматларига талабнинг 1 миллион сўмға ўсиши иқтисодиётда кўшимча 3,2 миллион сўм қиймат яратади. Худди шундай катта мультипликатив таъсирға эга бўлган соҳалар қаторига консалтинг хизматлари, яшаш ва умумий овқатланиш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизматларни киритса бўлади” (ТДИУ: Иқтисодиёт ва таълим журнали, 2024 йил 1-сон), – деб таъкидлаб ўтади.

Бугунги замонавий иқтисодиётни ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти, унинг статистик таҳлили,

муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида бошқа кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар ҳам илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғриси”да 27 май 2022 йилдаги ПФ-104-сонли қарорида: “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида 2021 йилда хизматлар кўрсатиш ҳажми қарийб 20 фоизга ўсди. Шу билан бирга, хизматлар соҳасини ривожлантиришга янгича ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини 2022 йилда 1,5 бараварға ошириш ҳамда кўшимча 1,5 миллион янги иш ўринларини яратиш имкониятлари мавжуд”, – деб таъкидлаб ўтди [3].

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикамиз аҳолисиға сифатли хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва истиқболларини статистик прогнозлашни талаб этади. Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа фаолиятиға таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишға қаратилган, илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Мақолани ёритишда танланма кузатув, мантиқий ёндашув, иқтисодий-статистик таҳлил, аналитик таҳлил, статистик кузатув ва қиёсий таҳлил усулларидан атрофлича фойдаланилди. Маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, хизматлар соҳасининг истиқболлари, иқтисодий кўрсаткичлари, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва соҳадаги муаммолар ўрганилиб, улар назарий жиҳатдан ёритиб беришға ҳаркат қилинди. Тадқиқот ишимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ва унинг асосий кўрсаткичларини ривожлантиришнинг йўналишлари статистик таҳлил қилинди. Тадқиқот объекти сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси ўрганилди.

Таҳлиллар ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2023 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, 2023 йил Ўзбекистон

Республикаси ЯИМи ҳажми жорий нархларда 1 066 569,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2022 йил билан таққослаганда, бу кўрсаткич 6,0 %га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси 2022 йилдаги нархларга нисбатан 112,2 %ни ташкил этди. Жорий даврда ўртача алмашув курси бўйича ҳисобланган номинал ЯИМ ҳажми 90 871,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

2023 йил якунларига кўра, ЯИМ таркибида катта бўлмаган ўзгаришлар кузатилди. ЯИМ (ЯҚҚ) таркибида хизматлар соҳасининг улуши 41,6 %дан 43,4 %га ошди. Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 24,9 %дан 24,3 %га, саноатнинг улуши 27,0 %дан 26,1 %га, қурилиш тармоғининг улуши 6,5 %дан 6,2 %га камайди. 2023 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ҳажми жорий нархларда 29 291,4 минг сўмни (ёки 2 495,6 АҚШ доллари эквивалентида) ташкил этди.

2024 йил январь ҳолатига кўра, республикада хизматлар соҳасида 343 059 бирлик корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 98,6 %ни ташкил этган. Агар бу кўрсаткични 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, таққослаб кўрадиган бўлсак, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар 261 979 бирликни ташкил этган, яъни 2024 йил 2020 йилга нисбатан бу бирликнинг 76,3 фоизга ўсганини кўриш мумкин. 2023 йил (январь-декабрь) ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида кичик тадбиркорликнинг улуши 47,7 фоизни, аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми 12 915,6 минг сўмни, хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотларининг улуши 70,7 фоизни ташкил этганини кўриш мумкин.

Иқтисодиётнинг янги ривожланиш даврида хизматлар соҳасини ривожлантириш кўп жиҳатдан ҳудудларда кўрсатилаётган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳудудлар кесимида хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари
(2023 йил январь-декабрь)

Т/р	Ҳудудлар номи	Ҳажми, млрд. сўмда	Улуши, %да	Ўсиш суръати, %да
1.	Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	470 286,5	100,0	113,7
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	12 876,6	2,7	110,8
	Вилоятлар			
3.	Андижон вилояти	21 793,4	4,6	111,3
4.	Бухоро вилояти	19 344,0	4,1	111,0
5.	Жиззах вилояти	10 378,3	2,2	112,8
6.	Қашқадарё вилояти	19 518,4	4,2	111,0
7.	Навоий вилояти	11 520,7	2,4	112,5
8.	Наманган вилояти	17 822,9	3,8	111,1
9.	Самарқанд вилояти	28 992,0	6,2	113,7
10.	Сурхондарё вилояти	15 493,7	3,3	110,5
11.	Сирдарё вилояти	6 099,0	1,3	110,9
12.	Тошкент вилояти	31 934,8	6,8	110,8
13.	Фарғона вилояти	26 592,8	5,7	110,5
14.	Хоразм вилояти	13 266,1	2,8	114,6
15.	Тошкент шаҳри	193 227,7	41,1	118,7

Ҳудудлар кесимида (1-жадвал маълумотлари) кўрсатилган бозор хизматларини оладиган бўлсак, 2023 йил январь-декабрь ҳолати бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳар (193 227,7 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (6 099,0 млрд. сўм), Жиззах (10 378,3 млрд. сўм), Навоий (11 520,7 млрд. сўм) ва Хоразм (13 266,1 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда. Тошкентда бу кўрсаткичнинг юқорилигига

асосий сабаблардан бири ҳам рақамли иқтисодиётнинг шаҳарда тез ривожланишидир. Демак, хизматлар соҳасини ривожлантириш учун, биринчи навбатда, аҳолининг рақамли технологиялардан фойдаланиш хулқ-атворини шакллантириш ва сифатли интернет тармоқлари билан таъминлаш зарурдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, саноати ривожланган ҳудудлар (қазиб олиш саноати бундан мустасно) Навоий ва Тошкент вилоят-

лари ҳамда Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасининг аҳоли жон бошига ўртача кўрсаткичлари Хоразм, Наманган ва Сурхондарё вилоятларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида савдо ва транспорт хизматлари энг катта улушни эгаллаган.

2023 йил январь-декабрь ҳолатига кўра, жами хизмат кўрсатиш ҳажмида савдо хизматларининг улуши 23,5 %ни, транспорт хизматларининг улуши эса 23,1 %ни ташкил этди. Бу борада, яна юқори кўрсаткичлар, шунингдек, молиявий хизматлар (22,6 %), автотранспорт хизматлари (10,9 %), алоқа ва ахборот хизматларининг (6,9 %) улушига тўғри келди.

Агар 2023 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибини статистик ўрганиб чиқадиган бўлсак, иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида энг катта улушни савдо хизматлари эгаллайди.

Таҳлилларимиз кўрсатдики, 2023 йил якунларига кўра, хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 437 822,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2022 йилга нисбатан 6,8 %га ўсди. Шу жумладан, савдо хизматлари 9,9 %га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 12,5 %га, ташиш ва сақлаш хизматлари 8,0 %га, ахборот ва алоқа хизматлари 24,2 %га, бошқа хизматлар эса 4,5 %га ўсди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида кичик корхона субъектларининг улуши 47,7 фоизни, шу жумладан, 21,5 фоизни кичик тадбиркорлик ва микрофирмаларнинг улуши ташкил этди.

Жами кўрсатилган хизматлар ҳажмида Тошкент шаҳри (41,1 %), Тошкент вилояти (6,8 %), Самарқанд вилояти (6,2 %) юқори салмоққа эга, энг паст улуш Сирдарё вилояти (1,3 %), Жиззах вилояти (2,2 %), Навоий вилоятига (2,4 %) тўғри келади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтиш лозимки, хизматлар соҳасининг мамлакат иқтисодиётидаги улушини ошириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари” тасдиқланди ва уларнинг мониторингини олиб бориш жорий этилди. Бу ислохотларнинг узвийлигини давом эттириш, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини истиқболда тизимли ривожлантириш ва унинг сифатини янада ошириш борасида Президентимиз томонидан “Ўзбекистон – 2030” тараққиёт стратегиясида кўплаб мақсад ва вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, энг аввало, ҳудудларда хизматлар кўламини кенгайтириш, янги хизмат турларини жорий этиш орқали соҳада ижобий муҳитни яратиш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кескин ошириш, бунинг учун хизматлар соҳасининг самарадорлигини янада ошириш ва хизматлар соҳасини иқтисодиётнинг драйверига айлантириш зарур.

Транспорт ва логистика хизматларини ривожлантириш, чекка ҳудудларнинг интернет билан таъминланганлик даражасини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, йўл бўйи хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини замонавий талабларга мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимида бўш турган бино ва ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида ушбу соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда улар фаолиятини кенгайтириш зарур.

Ушбу вазифаларнинг бажарилиши хизматлар соҳасини ривожлантириш учун концептуал жиҳатдан мутлақо янги тизимни жорий этиш имконини беради.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони. // www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарори. // <https://lex.uz/docs/5840284>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли қарори. // <https://lex.uz/ru/docs/5421233>

5. Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика. Учебное пособие. / Т.Д.Бурменко, Н.Н.Даниленко, Т.А.Туренко; под ред. Т.Д.Бурменко. – М.: КНОРУС, 2007. – 328 с. С. 64-65.
6. Разомасова Е.А. Сфера услуг: теория, состояние и развитие. Монография. // НОУ ВПО Центросоюза РФ «Сибирский университет потребительской кооперации». – Новосибирск, 2011. – 136 с.
7. Мелешко Ю.В. Трансформация определения понятия «услуг» в контексте концепции постиндустриального общества. // Россия: Интернет-журнал "Экономическая наука сегодня". № 4. 2016 г.
8. Альфред Маршалл. Принципы экономической науки. – М.: Прогресс, 1993 г.
9. Котлер Ф. Основы маркетинга. – М.: Прогресс, 1993. С. 63.
10. Муҳаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – устувор масала. // Servis jur. 1-сон, 2009. 47-56 б.
11. Ботинова Р., Икромов И. Худудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари. 11(119)-сон. 2017. <http://www.biznesdaily.uz>
12. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий сайти.



FARG'ONA VILOYATIDA XIZMATLAR SOHASINI RIVOJLANTIRISH MASALALARI

Tuychiyeva Odina Nabiyevna
Farg'ona politexnika instituti
"Iqtisodiyot" kafedrasida dotsenti v.b.

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a66

Аннотация. Мақоллада мамлакат иқтисодийотида муҳим о'рини egallagan хизмат ко'рсатиш соҳасининг о'рни, о'зига хос хусусиятлари, соҳадagi муаммоларнинг о'rganilganlik holati, shuningdek, sohada erishilgan natijalar va uning rivojlanish tendensiyalari yoritilib, xizmat ko'rsatish sohasini takomillashtirish bo'yicha asosli tavsiyalar berilgan.

Калит со'злар: хизмат ко'рсатиш соҳаси, хизмат турлари, та'лим хизматлари, sog'liqni saqlash хизматлари, maishiy хизмат ко'рсатиш, aloqa хизматлари.

ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Туйчиева Одина Набиевна
И.о. доцент кафедры «Экономики»
Ферганского политехнического института

Аннотация. В статье освещена роль сферы услуг, занимающей важное место в экономике страны, ее особенности, состояние изученности проблем отрасли, а также достигнутые в отрасли результаты и тенденции ее развития, выделены причины улучшения сферы обслуживания, даны соответствующие рекомендации.

Ключевые слова: сфера услуг, виды услуг, образовательные услуги, медицинские услуги, бытовые услуги, услуги связи.

ISSUES OF DEVELOPMENT OF THE SERVICE SECTOR IN THE FERGHANA REGION

Tuychiyeva Odina Nabiyevna
Associate professor of the Department "Economics"
of the Ferghana Polytechnic Institute

Abstract. The article highlights the role of the service sector, which occupies an important place in the country's economy, its features, the state of knowledge of the problems of the sector, as well as the results achieved and its development trends, the reasons for improving the service sector are highlighted, and appropriate recommendations are given.

Key words: service sector, types of services, educational services, medical services, personal services, communication services.